

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ЖАСУР ТУРСУНОВИЧ

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(PhD) on economic sciences**

Умаров Жасур Турсунович

Давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг методологик
жиҳатлари..... 3

Умаров Жасур Турсунович

Методологические аспекты совершенствования системы государственных
закупок.....27

Umarov Jasur Tursunovich

The methodological aspects of the improvement of public procurement system...51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ЖАСУР ТУРСУНОВИЧ

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt722 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Вахабов Абдурахим Восиқович
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Карлибаева Рая Ходжабаевна
Иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Хошимов Элмурод Абдусатторович
Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 49. Тел: (71) 232-64-46, факс: (99871) 232-64-46, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 49. Тел.: (71) 232-64-46, факс: (99871) 232-64-46, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К. Худайкулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиёти кўрсатишича ривожланган мамлакатларда давлат харидлари орқали миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга эришилмоқда. «Давлат харидлари паст даромадли давлатларда ЯИМга нисбатан 10-15 фоиз миқдорида, ривожланаётган давлатларда 25 фоизгача ва ривожланган мамлакатларда 30 фоиз ва ундан юқори миқдорда бўлмоқда»¹. Давлат харидларининг муҳим кўрсаткичлардан бири давлат харажатларида давлат харидларининг улуши ҳисобланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг маълумотларига кўра, давлат харажатларида давлат харидларининг улуши «Японияда 41,6% ни, Кореяда 40,1% ни, Германия 35,3% ни, Буюк Британияда 31,7% ни, Францияда 25,6% ни, АҚШда 24,5% ни ташкил этмоқда. Шунингдек, давлат харидлари соҳасида маҳаллий корхоналарни қўллаб-қуватлаш мақсадида Бразилияда 8-25%, Мексика ва Мисрда 15%, Малайзияда 2,5-10% гача нарх преференциялари берилиши белгиланган»². Давлат харидларининг қамровини кенгайтириш, очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, тизимни рақамлаштириш давлат харидлари тизимини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ривожланган мамлакатларда давлат харидлари тизимини бошқаришни баҳолаш усул ва мезонларини, давлат харидларини амалга ошириш тамойилларини такомиллаштириш, харидларни йирик ҳажмларда амалга оширишнинг самарали шакли сифатида очик танлов ва тендерларни ўтказиш, харидларни амалга ошириш жараёнида самарадорликни оширадиган инновацион воситаларни қўллаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, харид жараёнларини, жумладан, буюртмаларни жойлаштириш, сотиш нархларини таклиф қилиш, шартномаларни тузиш, товарларни етказиб бериш, тўловларни электрон ўтказиш, товар (иш, хизмат) етказиб берувчиларнинг интернет тизими орқали давлат харидларини амалга оширадиган электрон бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда давлат харидлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар давлат харидларининг қамровини кенгайтириш, соҳада очиклик ва шаффофликни таъминлаш, тизимни рақамлаштириш орқали инсон омили иштирокини камайтириш, соҳада коррупцион ҳолатларни олдини олиш, тадбирокорлик субъектларини кенг жалб қилиш орқали рақобат муҳитини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Давлат харидларининг қамровини етарли даражада эмаслиги, давлат харидларида кичик бизнес ва хусусий тадбирокорлик субъектларининг иштирокининг сустлиги, давлат харидларида жамоатчилик назоратининг етарли даражада эмаслиги муаммоси ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Жумладан, «...ҳозирги кунда давлат харидларида атиги

¹ Пономарева О.В. Государственные закупки как инструмент торговой политики в развивающихся странах.//Российский внешнеэкономический вестник, № 9, 2014.–Б.101.

² <https://stats.oecd.org/Index.aspx?QueryId=94406>

4 фоиз тадбиркор қатнашаётганлиги, бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлиши»³ лозимлиги муҳим вазифалар сифатида белгиланди. Ушбу вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида давлат харидлари тизимини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, давлат харидларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминланиши, давлат харидларида жамоатчилик назоратини ошириш ва тизимни рақамлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сон «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий адабиётда давлат харидларининг назарий асослари, аукционда қатнашадиган компаниялар ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланишидан келиб чиқиб, шартнома якуний баҳосига таъсири, турли маълумотлар базаси учун назарий моделларни ишлаб чиқиш масалалари иқтисодчи-олимлар В.Самуэльсон, Ф.Скотт, Д.Левин, Ж.Смит, Е.Краснокутская, К.Сейм, Е.Кьерстад, С.Вагстад, Т.Ли, Х.Чженг, Ж.Робертс, А.Светинг, П.Бажари, Р.Миллан, С.Таделис, Д.Порта, А.Ваннукки, Д.Сореиделарнинг⁴ илмий ишларида тадқиқ этилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>

⁴ Samuelson W.F. Competitive bidding with entry costs // Economics Letters. - 1985. - Т.17. -р. 53–57.; Scott F, Levin D., Smith J.L. Equilibrium in auctions with entry // American economic review. - 1994. - Т.84. №3. p. 585–599.; Krasnokutskaya E., Seim K. Bid preference programs and participation in highway procurement auctions // American economic review. - 2011. - Т. 101. - № 6. - P.2653–2686.; Kjerstad E., Vagstad S. Procurement Auctions

Бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларда давлат харидининг амалий жиҳатлари А.Храмкин, Н.Максимов, М.Островная, Е.Подколзина, В.Бархатов, И.Загорский, С.Истомин, Е.Ковалева, И.Смотрицкая, К.Фамиева, А.Хвостов, О. Пономарева⁵ каби олимларнинг илмий асарларида таҳлил қилинган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларидан А.Вахабов, Н.Жумаев, Т.Маликов, У.Бурханов, Т.Атамурадов, Т.Эшназаров, Д.Пулатов, Б.Нурмухамедова, Г.Қосимова, М.Ҳайдаров, А.Сувонқулов, Б.Сугирбаев, Б.Нурматов, А.Ибрагимов, М.Олоёров, Д.Халмурадовлар⁶ томонидан давлат харидларини миллий иқтисодиётдаги ўрни, уни ташкил этишни самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари тадқиқ этилган.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодий ислохотларни чуқурлашуви ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қисқараётган шароитда давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари

with Entry of Bidders // International journal of industrial organization. - 2000. - Т. 18. - № 8. -P. 1243–1257.; Li T., Zheng X. Entry and competition effects in first-price auctions: theory and evidence from procurement auctions // Review of economic studies. - 2009. - Т.76. - P. 1397–1429.; Roberts J.W., Sweeting A. Entry and selection in auctions // Duke University Working Paper, 2010. - 57 P.; Bajari P., McMillan R., Tadelis S. Auctions versus negotiations in procurement: an empirical analysis // Journal of law, economics, and organization. 2009. -Т. 25. № 2. -P.372–399.; Porta D. Vannucci A. Corrupt exchanges: empirical themes in the politics and political economy of corruption. - 2001. - 14-21p. Søreide T. Corruption in public procurement. Causes, consequences and cures // Chr. Michelsen Institute. - 2002. - №. 1. 40-43p.

⁵ Загорская Т.П., Пегин П.А.//Вестн. Тихоокеан. гос. ун-та. 2014.№ 1 (32). -С.247–252.; Истомин С.В. Особенности институциональных механизмов в трансформируемой экономике/Истомин С.В.// Вестн. Челяб. гос. ун-та. 2010. №6 (187). Экономика. Вып. 26. -С.52–56.; Истомин С.В. Природа институционального механизма/ Истомин С.В.// Вестн. Челяб.гос. ун-та. 2009. № 1 (139). Экономика. Вып. 17. -С.46–52.; Ковалева Е.А. Институт государственных закупок как стимул инновационной активности хозяйственных субъектов/ Ковалева Е.А.//Экономическая политика: на пути к новой парадигме:Пятнадцатые Друкер. чтения. М., 2013.- С.217–222.; Смотрицкая И. Государственные закупки и формирование инновационной экономики/ Смотрицкая И.С., Черных // Вопр. экономики.2010. № 6. -С.108–117.; Смотрицкая И. Институт контрактных отношений на рынке государственных заказов/Смотрицкая И., Черных С. // Вопр. экономики. 2008. № 8. -С.108–118.; Смотрицкая И.И., Проблемы формирования федеральной контрактной системы: теория и практика/ Смотрицкая И.//этап: экономическая теория, анализ, практика. 2010. № 2. -С.39–52.; Фамиева К.И. Принципы построения федеральной контрактной системы в Российской Федерации / Фамиева К. И. // Вопр. управления. 2013. № 2 (23); Хвостов А.А. Оценка системы государственных закупок на соответствие принципам осуществления эффективных закупок/ Хвостов А.А. //Аудит и финанс. анализ. 2010. №1. - С.184–193.; Пономарева О.В. Государственные закупки как инструмент торговой политики в развивающихся странах.//Российский внешнеэкономический вестник, № 9, 2014.–Б.101.; А. Храмкин. Международный опыт построения системы госзакупок. http://www.epgz.ru/_goszakaz/_public/1397. 9.10.2008, Максимов Н. Факторы цены и качества в международной практике тендерных торгов. <http://www.vneshmarket.ru/content/document>; Ostrovnaaya, M., Podkolzina, E. Antitrust enforcement in public procurement: the case of Russia // Journal of competition law and economics. - 2015.; Бархатов В.И. Эффективность контрактных отношений в российском корпоративном секторе/Бархатов В.И., Кондратьев Н.И.,//Вестн. Моск. ун-та. 2010. Сер. Экономика. № 4.-С.112–118.

⁶ Вахабов А.В., Маликов Т. Молия: Умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисод-молия”-2010, -595 б.; Вахабов А.В. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ва уларни ғазна ижроси билан қамраб олиш масалалари/Иқтисод ва молия/№9-10, 2010 йил. 69-72-б.; Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 335 б.; Бурханов У., Атамурадов Т. Давлат хариди. Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технология”, 2012 йил. -152 б.; Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизими асослари. Ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисод-молия”, 2012. -304б.; Пулатов Д.Х. Нурмухамедова Б.И. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. Т.: “Саностандарт”, 2014. -272б.; Қосимова Г.А. Ғазначилик. Ўқув қўлланма. Т.: “иктисод-молия”, 2013.- 448б.; Ҳайдаров М., Сувонқулов А., Сугирбаев Б., Нурматов Б. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. Т.: “Иқтисод-молия”, 2010. -235 б.; Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б. Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. Т.: «Infocom.uz». 2009. -192б.; Оллоёров М, Холмурадов Д. Система Государственных закупок в Узбекистане, <http://publicfinance.uz/materials>;

муаммосини долзарблиги, иқтисодий адабиётда комплекс тадқиқ этилмаганлиги унинг тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тадқиқот ишлари режаларининг Ф-1-115-сонли “Миллий иқтисодийни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини методологик жиҳатдан такомиллаштиришга бағишланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат харидларининг методологик жиҳатлари ва уни ташкил этиш тамойилларини таҳлил этиш;

давлат харидлари амал қилиш механизми, шакл ва усулларини қиёсий тадқиқ этиш асосида унинг такомиллаштирилган моделини ишлаб чиқиш;

давлат харидларини амалга оширишнинг бой хориж тажрибасини таҳлил этиш ва ундан Ўзбекистонда амалда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

давлат харидларини амалга оширишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат бюджети маблағлари доирасида амалга оширилган давлат харидларини таҳлил қилиш, баҳолаш, ривожланиш тенденциялари ва муаммоларини аниқлаш;

давлат харидини ташкил этишда электрон савдолардан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш ва такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат харидлари тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилишни устувор йўналишларини аниқлаш;

давлат харидларида замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш йўналишларини ишлаб чиқиш;

давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатларига қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси давлат харидлари тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети давлат харидлари тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мантиқий ва қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, статистик гуруҳлаш, тизимли ёндашув, эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат харидлари бўйича эълонларни порталга жойлаштириш ҳамда шартномаларни ғазначиликдан рўйхатдан ўтказишни мувофиқлаштириш асосида молия йилида маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида эълонларни порталга жойлаштиришнинг аниқ муддатини белгилаш асосланган;

давлат харидларида маблағларни молиялаштиришнинг ишончилигини кафолатлаш ҳамда маблағлардан фойдаланишда самарадорликка эришиш мақсадида тўловларни ҳисоб-китоб-клиринг палатаси орқали амалга ошириш механизмини жорий қилиш асослаб берилган;

давлат харидларида очиқликни таъминлаш ва рақобат муҳитини ошириш мақсадида стратегик аҳамиятга эга хўжалик субъектларининг давлат харидлар бўйича эълонларини порталга жойлаштирилишининг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

давлат хариди жараёнларини рақамлаштириш орқали маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида тендер ва танлов савдоларини электрон шаклда ўтказиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлат харидлари тизими ва уни амалга ошириш тамойилларининг назарий асослари такомиллаштирилган;

давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг бой хориж тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида фойдаланишнинг иқтисодий механизми ва дастаклари таклиф этилган;

давлат харидларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш йўналишлари аниқланган;

давлат харидларини амалга ошириш иқтисодий механизмнинг қўшимча дастакларини қўллаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончилиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг расмий манбаларидан олинганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишончилиги республикада давлат харидлари тизимини ривожлантиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларига мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациядан олинган илмий хулосалардан, ушбу йўналишдаги услубий ёндашувларни такомиллаштириш ва улардан истиқболда давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашга бағишланган чуқур, махсус илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни республикамизда давлат харидларини самарали ташкил этишга хизмат қилиши, давлат харидларига оид қонунчиликни ишлаб чиқиш, тегишли қонунчиликка ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳамда тизимини такомиллаштиришга қаратилган мақсадли давлат дастурлари ва комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, ишнинг тегишли натижаларидан олий ўқув юртларида «Давлат молияси», «Молия», «Ғазначилик», «Давлат хариди» фанларининг ишчи ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари тизимини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Молия йилини муваффақиятли яқунлаш, давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонларни жорий молия йилининг 10 декабрига қадар махсус ахборот порталида жойлаштириш тўғрисидаги таклиф Бюджет Кодексининг 121-моддасида ўз ифодасини топган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги БА/31-01-32/414-сон ва Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг 2020 йил 12 ноябрдаги 04-11/2463-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни қўлланилиши натижасида бюджет буюртмачилари томонидан жорий молия йили учун амалга ошириладиган давлат харидлари бўйича электрон шартномаларни ва улар тўловларини жорий молия йилида амалга оширилишига эришилди;

Давлат харидларига оид қонунчиликда ҳисоб-китоб-клиринг палатаси орқали аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи махсус ахборот порталининг таркибий бўлинмаси тушунчасини киритиш ва электрон давлат харидлари бўйича тўловларни ҳисоб-китоб-клиринг палатаси орқали тўлаш механизмини жорий қилиш бўйича таклифлари «Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида»ги, «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомларда (1-боб. Умумий қоидалар), ҳамда «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари»нинг 73-бандида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги БА/31-01-32/414-сон ҳамда Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг 2020 йил 12 ноябрдаги 04-11/2463-сон маълумотномалари). Тадқиқот натижасини амалиётга қўллаш асосида 2019 йилда 570 млрд. сўм, 2020 йилнинг январ-сентябр ойларида 411 млрд. сўмдан ортиқроқ маблағларнинг мақсадсиз сарфланишини олди олинди. Электрон савдолар натижасида 2019 йилда 805,8 млрд. сўм ва 2020 йилнинг январ-сентябр ойларида 605 млрд. сўм маблағлар иқтисод қилинишига эришилди;

Стратегик аҳамиятга эга хўжалик субъектларига харидларни энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали харидларни амалга ошириш, ушбу корхоналарга харидларни амалга оширишда эълонда харид комиссияси томонидан таклифларни қабул қилиб олишнинг ўн кундан кам бўлмаган сўнгги муддати бўлиши кераклиги бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сон қарорининг 1-бандида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 21 ноябрдаги 07/03-01-37/990-сон маълумотномаси). Ушбу механизмни амалиётга жорий этилиши натижасида 2020 йилнинг январ-октябр ойларида 48 млрд. сўмдан ортиқроқ маблағлар иқтисод қилинишига эришилди;

Давлат харидларини танлов ва тендер савдолари орқали амалга ошириш тартиб-таомилларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклга ўтказиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сон қарорининг 2-бандида ҳамда «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 31 ва 41-бобларида ўз ифодасини топган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 21 ноябрдаги 07/03-01-37/990-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасини амалиётга қўллаш асосида 2020 йилнинг июн-октябр ойларида танлов ва тендер савдолари электрон шаклда ўтказилиши орқали нархлар бошланғич нархларга нисбатан 6 фоизга тушишига эришилди ва 4,8 млрд. сўмдан ортиқроқ маблағлар иқтисод қилинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларида 8 та илмий мақолалар, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва таркибий тузилишига доир ахборот келтирилган.

Диссертациянинг «**Давлат харидларини амалга оширишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида давлат харидларининг методологик жиҳатлари ва уни амалга ошириш тамойиллари ёритилган, давлат харидларини ташкил этишнинг иқтисодий механизми ва усуллари баён қилинган, давлат харидларини амалга оширишнинг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ўрганилган. Диссертацион тадқиқот жараёнида давлат харидлари атамасининг илмий-назарий асослари ўрганилиб, бу борада хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари ва фикрларига қиёсий баҳо берилган.

Шунингдек, давлат харидларида тўловларни амалга ошириш юзасидан ҳисоб-китоб-клиринг палатаси тушунчаси бўйича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳисоб-китоб-клиринг палатаси - аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи махсус ахборот порталининг таркибий бўлинмасидир.

Бюджет тизими иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим унсури бўлиб, давлат харидлари эса унинг таркибий воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари тизими миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишига, халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлашга асос бўлади. Давлат харидлари бюджет харажатларининг салмоқли қисмини ўзида мужассамлаштиради. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда давлат ва муниципал харидлар бўйича шартномалар тузиш йўли билан амалга ошириладиган маблағлар салмоғи ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар давлат эҳтиёжларини таъминлаш учун товарлар (ишлар, хизматлар) харидини тартибга солади. Ушбу қонунчиликда товарлар (ишлар, хизматлар) хариди давлат ва муниципал эҳтиёжларни буюртмачи томонидан таъминлаш учун етказиб берувчи аниқланган вақтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириладиган мажбуриятларни бажаргунга қадар босқичма-босқич амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи сифатида таърифланади.

Иқтисодиётда давлат харидларининг белгиловчи ролини статистик маълумотлар аниқ тавсифлайди. Давлат харидлари давлат буюртмачилари фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) ва инвестицион товарларни ўз ичига олади, ҳамда миллий иқтисодиётни ривожланиш суръати ва таркибига бевосита таъсир кўрсатади, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, муҳофаза, маданият, спорт соҳаларидаги мақсадли ривожланиш дастурларини амалга ошириш учун зарур маҳсулотлар харид қилади. Харид орқали давлат йирик буюртмачи сифатида иқтисодиётни тартибга солишдаги муҳим вазифасини бажаради.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат харидлари иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш инструментлардан бирига айланди.

Улар ёрдамида миллий ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес, жамоат ташкилотлар ва ҳ.к.лар қўллаб-қувватланади.

Давлат харидлари тизими миллий иқтисодиётни тартибга солишининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Аралаш иқтисодиёт шароитида давлат талабни бир қатор тармоқлар маҳсулотининг истеъмолчиси, унинг миқдори ва таркибига таъсир кўрсатадиган иқтисодиётни тартибга солишининг кучли воситасига айлантириб, йирик буюртмачи сифатида чиқади. Давлат харидлари тизимининг самарали фаолият кўрсатиши, мамлакат иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиши ушбу соҳанинг қонунчилик базасини жаҳон тажрибаларига асосланган ҳолда ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, «... барча давлат харидларини амалга ошириш ва давлат мулкани сотиш учун интернет тармоғида ягона майдон ташкил этиш лозим. Бу бюджет харажатларини қисқартириш, давлат мулкани самарали бошқариш ва катта молиявий маблағларни иқтисод қилиш имконини беради»⁷.

Ўзбекистонда изчил олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, жумладан, давлат молиясини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланиш давлат молияси тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилгандир.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат молиясини бошқаришда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришда кичик бизнес субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш, давлат харидларини амалга ошириш жараёнида рақобат ва шаффофликни янада кучайтириш мақсадида республикада янги самарали электрон давлат харидлари тизимини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари амалиёти таҳлили ва ривожланиш тенденциялари**»га бағишланган бўлиб, унда давлат харидларини амалга оширишнинг ҳуқуқий-институционал асослари, давлат бюджети маблағлари доирасида амалга оширилган давлат харидлари ҳолати таҳлил қилинган. Давлат харидини ташкил этишда электрон савдолардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат харидлари тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилишни устувор йўналишлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни кўра, давлат хариди - товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат буюртмачилари томонидан пуллик асосда олинишидир. Ушбу Қонунда давлат харидларини амалга ошириш турлари, тартиби ва мезонлари белгиланган бўлиб, буюртмачилар қуйидаги талаблар асосида давлат харидларини амалга оширадилар (1-жадвал).

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/1371>

**Харид қилиш тартиб-таомилларининг турлари ва мезонлари
(БХМга нисбатан)⁸**

| Харид тури | | Бюджет буюртмачилари учун | Корпоратив буюртмачилар учун | Муддати |
|---|-------------------|---------------------------|------------------------------|-------------|
| Электрон дўкон | Товар | 0 – 25 гача | 0 – 250 гача | 48 соат |
| | Иш, хизмат | 0 – 25 гача | 0 - 25 гача | |
| Аукцион | Товар | 0 – 2 500 гача | 0 – 2 500 гача | 5 кун |
| | Иш, хизмат | - | - | |
| Танлов | Товар | 2 500 дан - 6 000 гача | 5 000 гача - 25 000 гача | 10 кун |
| | Иш, хизмат | 25 гача - 6 000 гача | 25 гача - 25 000 гача | |
| Тендер | Товар, иш, хизмат | 6 000 дан юқори | 25 000 дан юқори | 30 - 45 кун |
| Ягона етказиб берувчидан амалга ошириладиган давлат харидлари | Товар, иш, хизмат | чегараланмаган | чегараланмаган | - |

Юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда очиқ, шаффоф, холис ва маблағлардан фойдаланишда оқилоналик, тежамкорлик ва самарадорликка эътибор қаратилган янги тизим яратилди.


2021 йил 1 январ ҳолатига бюджет буюртмачилари сони 8 080 тани ташкил қилади. Бюджет буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидлари барқарор суръатларда ривожланмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида ташкил қилинган махсус ахборот портали орқали амалга оширилган битимлар сони барқарор суръатларда ўсиб бормоқда (1-расм).

1-расм маълумотлари таҳлили кўрсатишича 2015-2020 йилларда бюджет буюртмачилари томонидан электрон савдолар орқали амалга оширилган битимлар сони ошиб борган. Жумладан, 2015 йилда жами 347 038 та битим амалга оширилган бўлса, 2020 йилга келиб, 473 661 тага етганини кўришимиз мумкин.

Давлат харидларини амалга ошириш механизмини соддалаштирилиши, соҳага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 2020 йилда бюджет буюртмачилари томонидан жами 42 629,4 млрд. сўмлик 915 000 та битимлар жумладан, 1 686,1 млрд. сўмлик 473 661 таси электрон савдолар орқали амалга оширилди.

⁸ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.



1-расм. Электрон давлат харидлари бўйича амалга оширилган битимлар сони динамикаси⁹

Электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткич битимларнинг ўртача қиймати ҳисобланади. 2015-2019 йилларда бюджет буюртмачилари томонидан электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидларининг ўртача қийматининг ўзгаришини 2-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилиш мумкин.

2-жадвал

Электрон давлат харидлари орқали амалга оширилган битимлар суммаси ва уларнинг ўртача қиймати¹⁰

| № | | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2020 йилда 2015 йилга нисбатан ўсиши (фоизда) |
|----|--|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---|
| 1. | Электрон давлат харидлари бўйича амалга оширилган битимлар суммаси (млрд. сўмда) | 543,7 | 662,7 | 480,7 | 1 101,9 | 1 677,3 | 1 686,1 | 210,1 |
| 2. | Битимларнинг ўртача қиймати (минг сўмда) | 1 566,7 | 1 409,1 | 1 595,8 | 2 625,1 | 3 418,3 | 3 559,7 | 127,2 |


2-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, электрон савдолар натижасида амалга оширилган битимларни ўртача қиймати 2015 йилда 1 566,7 минг сўмни ташкил этган ҳолда ушбу кўрсаткич 2020 йилга 3 559,7 минг сўмга етган ёки 127,2 фоизга ошган.

⁹ Диаграмма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республика товар-ҳом ашё биржаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁰ Диаграмма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси товар-ҳом ашё биржаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Давлат харидларининг муҳим принципларидан бири - бу молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги ҳисобланади. Ушбу принципнинг мақсади давлат харидларини амалга оширишда давлат буюртмачисининг давлат харидларини ўтказиш харажатларини ва товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қийматини ҳисобга олиш, давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, товарларни (ишлар, хизматлар) олишдан кўрилган наф, уларнинг сифати ва қиймати ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлаш, давлат харидларини мақбул муддатларда ўтказиш имконини берадиган оқилона ва тежамкор усулда амалга оширилиши кераклигидир.¹¹

Шу нуқтаи назардан давлат бюджети маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишга эътибор қаратиш, жумладан, давлат харидларини амалга оширишда электрон давлат харидларининг ролини янада ошириш муҳимдир. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунида электрон давлат харидлари - электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби махсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усуллари¹² эканлиги қайд этилган. Электрон давлат харидларида савдо ғолиби энг мақбул нарх таклифини берган иштирокчи бошланғич нархдан келиб чиқиб, ким тушди усулида аниқланиши сабабли буюртмаларнинг бошланғич нархи билан битим суммаси ўртасидаги фарқ миқдорида маблағларни тежалишига эришилмоқда (2-расм).



2-расм. Электрон давлат харидлари натижасида иқтисод қилинган маблағлар миқдори (млрд. сўмда)¹³

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни 7-моддаси.

¹² Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддаси.

¹³ Диаграмма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республика товар-хон ашё биржаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. <http://xarid.uz/files/docs/general-statistics/%D0%94%D0%B5%D0%BA%D0%B0%D0%B1%D1%80%D1%8C%202018%D0%B3..pdf>

Маълумотлардан кўриниб турибдики, электрон давлат харидлари натижасида иқтисод қилинган маблағлар суммаси йилдан-йилга ошиб борган ва 2015-2020 йилларда жами 1 538,6 млрд. сўмни ташкил этган. Буюртмачилар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни электрон савдолар орқали харид қилиш учун жойлаштирилган буюртмаларнинг бошланғич нархга нисбатан 2015-2020 йилларда ўрта ҳисобда 20,6 фоиздан ортиқроқ миқдорда иқтисод қилинган.

2020 йилда эса бюджет буюртмачилари томонидан амалга оширилган электрон савдолар натижаси 401,2 млрд. сўм маблағлар иқтисод қилинишига эришилди. Бу эса электрон савдолар натижасида товарлар нархини бошланғич нархга нисбатан 19,2 фоизга пасайганлигини англатади (3-жадвал).

3-жадвал

Электрон давлат харидлари натижасида иқтисод қилинган маблағлар ва уларнинг бошланғич нархга нисбатан улуши (фоизда)¹⁴

| № | Кўрсаткичлар | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|----|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| 1. | Битимларнинг бошланғич қиймати суммаси (млрд. сўмда) | 695,7 | 823,8 | 645,7 | 1 315,6 | 2 122,9 | 2 087,3 |
| 2. | Битимлар суммаси (млрд. сўмда) | 543,7 | 662,7 | 480,7 | 1 101,9 | 1 677,3 | 1 686,1 |
| 3 | Иқтисод қилинган маблағлар суммаси (млрд. сўмда) | 152 | 161,1 | 165 | 213,7 | 445,6 | 401,2 |
| 4 | Иқтисод қилинган маблағларнинг битимларнинг бошланғич қийматига нисбатан улуши (фоизда) | 21,8 | 19,6 | 25,6 | 16,2 | 21,0 | 19,2 |

3-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича 2015 йилда электрон савдоларда бошланғич нархнинг босқичма-босқич пасайтирилиши орқали савдолар ғолиби аниқланган ва битимларни тузиш натижасида 152,0 млрд. сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига эришилган, бу бошланғич қийматга нисбатан 21,8 фоизни ташкил қилган ҳолда, 2020 йилга келиб, ушбу кўрсаткич мутаносиб равишда, 401,2 млрд. сўм ва бошланғич нархга нисбатан 19,2 фоизни ташкил қилган. Шу орқали 2020 йилда бюджет буюртмачилари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш учун жами 2 087,3 млрд. сўмлик буюртмалар жойлаштирилганлигини кўришимиз мумкин.

¹⁴ Диаграмма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. <http://xarid.uz/files/docs/general-statistics/%D0%94%D0%B5%D0%BA%D0%B0%D0%B1%D1%80%D1%8C%202018%D0%B3.pdf>

2015-2020 йилларда эса жами 6 152,4 млрд. сўмлик 2 502,6 мингтадан кўпроқ битим амалга оширилган. Шу орқали эса бюджет буюртмачилари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш учун 2015-2020 йилларда жами 7 691,0 млрд. сўмлик буюртмалар жойлаштирилганлигини кўриш мумкин. Шундай қилиб, давлат харидлари амалиётини янада такомиллаштириш, унда электрон харидларнинг мавқеини кучайтириш ва давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишни таъминлайди.

Бюджет маблағларини олувчилар ҳисобланадиган буюртмачилардан, шунингдек, етказиб берувчилар - кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ундириладиган операторнинг воситачилик йиғими миқдори иккала тарафдан битим суммасининг 0,05 фоизи миқдорида белгиланади.

Давлат буюртмачилари ҳамда иштирокчилари учун электрон савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини янада соддалаштириш мақсадида, 2020 йилда улар томонидан давлат харидларида иштирок этиш учун тўланадиган операторнинг воситачилик йиғими миқдорининг юқори чегаралари белгиланди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Махсус ахборот портали операторининг воситачилик йиғими миқдори¹⁵

| № | Харид тури | АВВАЛГИ ҲОЛАТ | | АМАЛДАГИ ҲОЛАТ | |
|---|--|-------------------------------------|-----------|--------------------|-----------|
| | | Давлат буюртмачиси | Иштирокчи | Давлат буюртмачиси | Иштирокчи |
| | | <i>шартнома суммасидан (фоизда)</i> | | | |
| 1 | Электрон дўкон | 0,15 | 0,15 | 0,15* | 0,15 |
| 2 | Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион | 0,15 | 0,15 | 0,15* | 0,15 |
| 3 | Танлов | | | 0,15* | 0,15** |
| 4 | Тендер | | | 0,15* | 0,15** |

* Бир шартнома бўйича ўн минг сўмдан кўп бўлмаган миқдорда (ҚҚСни қўшган ҳолда).


** Бир шартнома бўйича тўрт миллион сўмдан кўп бўлмаган миқдорда (ҚҚСни қўшган ҳолда).

Мисол учун 2020 йилнинг май ойи яъни, воситачилик йиғимининг юқори чегараси белгилангунига қадар бюджет ташкилоти томонидан бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион савдоси орқали 500 млн. сўмлик харидни амалга оширганлиги учун 750 минг сўм операторнинг воситачилик йиғими тўланган бўлса, ҳозирги кунда эса ушбу

¹⁵ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

сумма 10 минг сўмни ташкил этади. Яъни, давлат буюртмачиси электрон савдолар орқали амалга оширган харидлар учун шартнома суммасининг 0,15 фоизи миқдорида, бироқ бир шартнома бўйича ҚҚСни қўшган ҳолда 10 минг сўмдан ошмаган миқдорда воситачилик йиғими тўланади.

2019 йилда давлат харидлари бўйича ўтказилган электрон савдолар натижаларини вазирликлар ва идоралар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, 2019 йилда давлат харидлари бўйича ўтказилган электрон савдолар натижалари вазирликлар ва идоралар кесимида қуйидаги диаграммадан ҳам кўриниб турибди. Электрон савдолар бўйича амалга оширилган жами давлат харидларида харидларнинг энг катта улуши Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги ташкилотлар (14,3%), Халқ таълими тизими ташкилотлари (13,1%) ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари (10,5%) ҳиссасига тўғри келмоқда (3-расм).




3-расм. 2019 йилда давлат харидлари бўйича ўтказилган электрон савдолар натижалари, вазирликлар ва идоралар кесимида¹⁶

2020 йил COVID-19 пандемия даврида амалга оширилган давлат харидларининг таркибий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу даврда бюджет буюртмачилари томонидан жами 42 629,4 млрд. сўмлик харидлар амалга оширилган. Амалга оширилган харидларнинг салмоқли улуши Соғлиқни сақлаш соҳаси (15,7%), Сув хўжалиги соҳаси (12,8%), Халқ таълими соҳаси (12,2%) ҳиссасига тўғри келмоқда. Бюджет буюртмачилари

¹⁶ Диаграмма Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

томонидан 2020 йилда амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни куйидаги расм орқали кўришимиз мумкин (4-расм).

Ўз-ўзидан маълумки 2020 йилда бюджет буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидларининг салмоқли улуши Соғлиқни сақлаш соҳасига тўғри келгани бевосита COVID-19 пандемияси оқибатларини бартараф этиш ва уни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда тиббиёт учун зарур бўлган харидлар билан боғлиқ.



4-расм. 2020 йил Пандемия даврида бюджет буюртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидлари, вазирликлар ва идоралар кесимида¹⁷


Давлат харидлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва тадбиркорлар учун электрон харид қилиш имкониятини янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самара берди. Мамлакатимизда ушбу механизмнинг ҳуқуқий асослари яратилгалигини, соҳага оид 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда уларга ҳаётга изчил татбиқ этилган.

Давлат харидларини амалга оширишга йўналтирилган давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган манбалар маблағларининг мақсадли ва оқилона ишлатилиши устидан назоратни амалга ошириш, давлат харидлари жараёнига кичик бизнес субъектларини кенг миқёсда ва фаол жалб қилиш

¹⁷ Диаграмма Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат харидларига жалб этилган тадбиркорлик субъектлари сонининг ошиш динамикаси 5-расмда келтирилган.

5-расм маълумотлари кўрсатишича, 2015 йилда электрон давлат харидларида жами 38 854 та тадбиркорлик субъектлари жалб қилиниб, аккредитациядан ўтказилган бўлса, уларнинг 83,6 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил қилган.



5-расм. Давлат харидларига жалб этилган тадбиркорлик субъектлари сони динамикаси¹⁸

